

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА №4**

Наманган шаҳри

2021 йил «03» август

Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи филиал директори А.Алижанов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва «**BEST HEALTH FOOD 2021**» масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Д.Мухитдинов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг

1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини стационар шароитида даволанувчи беморлар учун пархез таомлар таёрлаш ва етказиб бериш хизматини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2021 йил «03» августдан.

2021 йил «31» декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган ошхона, омборхона биноси ва зарурий ошхона анжомларидан «0» қийматда фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунга қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.5. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши.

2.2.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши.

2.2.7. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши.

2.2.8. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (қўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши.

2.2.9. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши.



2.2.10. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.

2.2.11. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши.

2.2.12. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни ва Ошхона омборида мавжуд озик овкат махсулотларини уз қийматида қабул олиши.

2.2.13. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши.

2.2.14. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда).

2.2.15. Буюртмачи ташкилотдан ишдан бушаган барча ходимларни тулик иш билан таъминлаш.

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш.

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши.

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши.

2.2.1. Буюртмачи Аутсорсердан ижарага берилган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишини, сақланишини, носоз ҳолга келганда уларни аутсорсер ҳисобидан таъмирланишини, шунингдек, коммунал харажатларини факат муассасага хизмат кўрсатиш мақсадида фойдаланишини тулик назорат қилиш

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### **III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 819 645 400 (Саккиз юз ун туккиз миллион олти юз кирк беш минг турт юз) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.2.1. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.2.2. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган миқдорда тўланади.

3.2.3. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига буюртмачи истаган вақтда кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.



4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

#### VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

#### VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланиб Газначилик бошқармасидан руйхатдан утгандан сўнг кучга киради ва 2021 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

##### ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"

« BEST HEALTH FOOD 2021» МЧЖ

Манзил: Наманган ш. Марғилок куча 20 уй

х/р: 2020 8000 5053 2845 9001

ИНН: 308 089 531

МФО: 00226

Банк номи: «Turon bank» АТВ Наманган филиали

Рахбар:  Д.А.Мухитдинов

##### "ХАРИДОР"

##### РШТЁИМН филиали

Наманган шаҳар Гузал массиви 2 уй

Тел./факс 226-28-15, 237-35-73

ш/х.в. 100021860144017073102054001

бюджетдан маблағ олувчининг СТИРи:

200056139

ОКОНХ:91511

Ўзб. Респ. МВ Газначилиги


Газна х/в: 23402000300100001010


Марказий банк Тошкент ш. ББХКМ

Газначилик СТИРи: 201122919

МФО:00014

Рахбар:  А.А.Алижанов







**Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали ва «Best health food 2021» масъулияти чекланган жамияти ўртасида  
2021 йил «03» августда тузилган №4-сонли шартномага**

**Қўшимча келишув №01**

Наманган шаҳри

«05» Январь 2022 йил

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали (кейинчалик «ХАРИДОР» деб юритилади) раҳбари А.Алижанов ва иккинчи томондан «Best health food 2021» масъулияти чекланган жамияти раҳбар Д.Мухитдинов (кейинчалик таъминотчи «Бажарувчи» деб юритилади) 2021 йил 03 Августда тузилган 4-сонли умумий қиймати **819 645 400** сўмлик шартномага озик-овкат махсулотлари нархи узгарганлиги сабабли куйидагича ўзгартириш киритилиб шартноманинг умумий қиймати **429 994 800** сўмга ўзгарди.

**Қўшимча келишув мазмуни**

1. Келгусида бюртмачи ва етказиб бериладиган иссик овкат билан таминлаш бўйича шартномага тўлов жадвали ва спецификация бўйича хизмат нархи қўшимча илова қилинади.
- 2.

| Эски тахрирда |                     |       |                          |             |
|---------------|---------------------|-------|--------------------------|-------------|
| №             |                     |       |                          |             |
| 1             | Хизмат бирлари сони |       | Хизмат бирлиги учун нарх | Жами сумма  |
|               | 1                   | 39344 | 19100                    | 751 470 400 |
|               | 2                   | 6750  | 10100                    | 68 175 000  |
|               | Жами                |       |                          | 819 645 400 |

| Янги тахрирда |                     |       |                          |             |
|---------------|---------------------|-------|--------------------------|-------------|
| №             |                     |       |                          |             |
| 1             | Хизмат бирлари сони |       | Хизмат бирлиги учун нарх | Жами сумма  |
|               | 1                   | 23118 | 18600                    | 429 994 800 |
|               | Жами                |       |                          | 429 994 800 |

3. Шартноманинг қолган бўлим, бандлари ва шартлари ўзгаришсиз қолдирилади.

4. Мазкур қўшимча келишув 2 нусхада тузилади ва барча нусхалар тенг юридик кучга эгадир.

5. Мазкур келишув 5 (беш) пунктдан иборат бўлиб, шартнома Наманган вилояти бўйича ғазначилик бўлинмасидан мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил «31» декабрьгача амал қилади.

**Томонларнинг манзили ва реквизитлари:**

**"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"**

**«Best health food 2021» МЧЖ**

Манзил: Наманган ш. Хамрох куча 76 уй

Тел./факс:

Ў/В: 2020 8000 5053 2845 9001

Банк номи: «Turon bank» АТВ Наманган филиали

МФО: 00226

ИНН: 308 089 531

ИФУТ:

Раҳбар:

Д.Мухитдинов

Юрист:

**" ХАРИДОР "**

**РШТЎЙМН филиали**

Манзил: Наманган шаҳар Гузал массиви 2 уй  
Тел./факс 226-28-15, 237-35-73

ШҒҲ: 100021860144017073102054001

Ташкилот СТИРи: 200056139 ИФУТ:

Ғазначилик бўлинмасининг номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги

ЯҒҲ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси  
Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
МФО: 00014

Ғазначилик СТИРи: 201122919

Раҳбар:

А.А.Алижанов

*Юрист Озтигорова*



**« Best health food 2021 » МЧЖ ва РШТЎИМН филиали**

Ўртасида тузилган 2021 йил 03 августдаги \_\_4\_\_-сонли шартнома ва 2022-й 05 январдаги № 1 сонли қушимча келишувга илова

| № | Ойлар                            | Ойдаги кунлар сони | Ўлчов бирлиги | Хизмат бирлиги учун нарх (сўм) | Хизмат бирликлари сони | Жами сумма ҚҚС сиз(сўм) | ҚҚС % | Жами сумма ҚҚС билан |
|---|----------------------------------|--------------------|---------------|--------------------------------|------------------------|-------------------------|-------|----------------------|
| 1 | Январ                            | 31                 | Услуга        | 18600                          | 9677                   | 179 992 200             |       | 179 992 200          |
| 2 | Феврал                           | 28                 | Услуга        | 18600                          | 6989                   | 129 995 400             |       | 129 995 400          |
| 3 | Март                             | 31                 | Услуга        | 18600                          | 6452                   | 120 007 200             |       | 120 007 200          |
|   | <b>Шартноманинг жами суммаси</b> |                    |               |                                |                        |                         |       | <b>429 994 800</b>   |

Шартноманинг умумий қиймати **429 994 800** (Тўрт юз йигирма тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўрт минг саккиз юз) сўмни ташкил қилади.

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**

**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"**

« Best health food 2021 » МЧЖ  
Манзил: Наманган ш. Хамрох куча 76 уй

х/р: 2020 8000 5053 2845 9001

ИНН: 308 089 531

МФО: 00226  
Банк номи: «Turon bank» АТВ Наманган филиали

Рахбар:  Д.А.Мухитдинов



**"ХАРИДОР"**

**РШТЎИМН филиали**

Наманган шаҳар Гузал массиви 2 уй  
Тел./факс 226-28-15, 237-35-73  
ш/х.в.

100021860144017073102054001  
бюджетдан маблағ олувчининг  
СТИРи: 200056139  
ОКОНХ:91511

Ўзб. Респ. МВ Газначилиги  
Газна х/в: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ш. ББХКМ  
Газначилик СТИРи: 201122919

МФО:00014

Рахбар:  .А.Алижанов





"Келишилди"  
RST EIM Наманган филиали  
Директори А. Алижанов  
" " 2022

"BEST HEALTH FOOD 2021" " масрулати чекланган жамияти номидан етказиб бериладиган пархез таомлар калькуляция



"Тасдиқлайман"  
BEST HEALTH FOOD 2021" МЧЖ  
Раҳбари Д. Муҳиддинов  
" " 2022

| Хизматлар номи     | Хизматда иштирок этувчилар | Ишчилар иш хаки | Вақт меёри | Хизмат учун вақт сарфи | Материал сарфи | Хизмат учун иш хаки миқдори | Иш хакидан ижтимоий ажратмага туловлар | Жами     | 9 % устама | ККС сумма 15% | Жами     | Рентабил лик | Жами хизмат нархи |
|--------------------|----------------------------|-----------------|------------|------------------------|----------------|-----------------------------|--|----------|------------|---------------|----------|--------------|-------------------|
|                    |                            |                 |            |                        |                |                             |  |          |            |               |          |              |                   |
|                    | Ошпаз                      | 1 139 000       | 10 668     | 1,5                    |                | 160,15                      | 19,2                                   |          |            |               |          |              |                   |
| Аутсорсинг хизмати | Ошхона ишчиси              | 1 043 000       | 10 668     | 1                      |                | 97,77                       | 11,7                                   |          |            |               |          |              |                   |
|                    |                            |                 |            |                        | 14 492,0       | 257,9                       | 31,0                                   | 14 780,9 | 1 393,1    | 2 426,0       | 18 600,0 | 0,10         | 18 600,0          |



**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**РШТЁМ Наманган филиали директори**  
**А.А.Алижанов**

Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилоят филиали

**Йиғилиш баёни №**

Наманган шаҳри  
Иштирок этганлар:

«05» январь 2022-йил

Йиғилиш раиси, Умумий ишлар бўйича директори ўринбосари: У.Мухитдинов  
С.Шарифбоев  
С.Солиев  
М.Болтабоев  
М.Ортиқов

Бош врач ўринбосарлари, Касаба уюшма  
кумитаси раиси, бўлим мудирлари, бош ҳисобчи,  
иктисодчи, врач диетолог, диетолог ҳамшира, озиқ овқат омборчиси,  
ошхона ҳодимлари,

Таклиф этилганлар:

**« BEST HEALTH FOOD 2021»**  
МЧЖ таъсисчиси: Д.Мухиддинов

**Кўриладиган масала:**

Марказ ошхонасида фаолият юритаётган "BEST HEALTH FOOD 2021" МЧЖнинг  
"Аутсорсинг" хизматни 2021 йилдаги фаолиятини таҳлил қилиш, лозим бўлса  
2022 йил учун ҳам шартнома тузиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан, йиғилиш раиси У.Мухитдинов  
Йиғилишни очиб берди ва олиб борди.

Йиғилиш раиси ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018  
йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан  
такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги  
ПФ-5590-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 10 январдги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш  
тузилмасидаги ташкилотларида аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 16-сонли қарорига мувофиқ  
марказнинг ошхонасида фаолият юритаётган "BEST HEALTH FOOD 2021" МЧЖнинг  
"Аутсорсинг" хизматини 2021 йилдаги фаолиятини урганиб лозим бўлса 2022 йил  
учун шартнома тузиш ошхона фаолиятини масаласини кўриб чиқиш, юқорида  
қайд этилган меёрий ҳужжатлар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида  
ўтказилган умумий йиғилишларда мазкур хизматни "Аутсорсинг"ни янада



ривожлантириш бўйича берилаётган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ушбу йиғилиш ташкил этилганлигини билдирди.

Жумладан, йиғилиш раиси шу ўринда “Аутсорсинг” хизмати ҳақида қисқача тушунча берар экан, мазкур хизмат мустақил хусусий корхоналар томонидан тиббиёт ташкилотларининг айрим ёрдамчи қимлари (ошхона, кирхона ва бошқа шунга ўхшаш фаолиятлар) фаолиятини амалга оширилиши бўлиб, ушбу фаолият натижасида муассасанинг ушбу ёрдамчи хизматларга сарфлайдиган барча харажатлари аутсорсерлар томонидан амалга оширилади. Шунингдек, аутсорсинг тўғрисидаги низом талабларига кўра мазкур фаолтни ташкил этиш натижасида тежалган бюджет маблағлари биринчи навбатда аутсорсинг фаолиятини ривожлантиришга сарфланади. Аутсорсерлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун битта нарх белгиланади ва “Аутсорсинг” шартномасида ушбу нархлар бўйича келишув имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги 16 сонли қарорнинг 3-боб. (Аутсорсерни танлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби), 11-бандида-“Аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календарь йил учун ушбу Низомга 2-иловада келтирилган аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага мувофиқ икки нусхада тузилади. Бунда, аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониқтирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йил учун узайтирилиши мумкин”лиги кўрсатилган.

Йиғилиш раиси ўз сўзида давом этаркан, 2021 йил давомида "BEST HEALTH FOOD 2021" МЧЖ томонидан кўрсатилган аутсорсинг хизмати сифатлилиги, етказиб берилаётган озик овқат маҳсулотларининг талаб даражасида эканлиги, белгиланган меёрларга тулақонли жавоб бераётганлигини айтиб утиб, йиғилиш иштирокчилари бир оворздан маккуллашса 2022 йилда ҳам ушбу МЧЖ билан қонунда белгиланган тартибда шартнома имзолаш мумкинлигини айтди.

Жумладан, «BEST HEALTH FOOD 2021»МЧЖ томонидан етказиб берилган парҳез таомлар ҳафта давомида кунлик иссиқ овқат турларини кўпайтириш, уларни кунлик такрорламаслик ва овқат нарҳини “Аутсорсинг” фаолияти бўйича ишлаб чиқилган меёрий хужжатлар асосида шакллантирилгани ҳолда, агарда озик овқат маҳсулотлари ғазна нарҳлари бўйича оширилиши ёки бошқа сабабларга кўра нарҳларнинг ўзгартирилишига тўғри келса муассаса раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга оширилишини, парҳез таомлар тури ва айниқса амалдаги тартиблар асосида нонуштани бепул берилиши ҳолатларини ўз зиммасига олиши бўйича йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди. Бундан ташқари жамият томонидан тақдим этилган хизмат нарҳи соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилаб берилган нарҳларга нисбатан белгиланишини инобатга олиб барча беморларга парҳез таомларни бир-ҳил нарҳда етказиб бериш қафолатини ҳам олган. Аммо, жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси миқёсида инфляция даражасининг ортиши, нарҳларнинг сезиларли даражада



ортиб кетиши ҳолатлари кузатилганда таклиф этилаётган нархлар оширилиши мумкинлиги билдирилган. Таёрланадиган иссиқ овқатлар ва тайёр маҳсулотларни санитария қондаси талабларига риоя қилиниши алоҳида этиборга олинади. Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 16-сонли қарорига асосан аутсорсер томонидан белгиланган озиқ овқат нархларининг чегараланган нархларига нисбатан 20 %гача устама белгилаш ва тежалган маблағлар ҳисобидан аутсорсинг хизматларини янада ривожлантириш ва коммунал тўловларни амалдаги белгиланган нормалардан ортиб кетмаган ҳолда қоплаб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида назарда тутилади.

Шунингдек, жамия томонидан ошхонада мавжуд ишчи ўрнини маълум муддатга тўлиқ ёки қисман сақлаб қолишни ўз зиммасига олган бўлиб, бу ўз навбатида фаолият юритаётган ходимларни иш билан таъминлаш масаласига бир ечим сифатида эътиборга олиними лозим.

Йиғилиш иштирокчилари билдирилган барча фикрлар ва таклифларни муҳокама қилдилар ва муассасада ҳузирги ривожланиш даврида амалга оширилаётган янгиланишларни қўллаб қувватлаш, муассасанинг ёрдамчи хизматларини янада ривожлантириш, мазкур фаолият тури учун сарфланадиган харажатларни иқтисод қилиниши натижасида муассасанинг бошқа соҳаларини ривожлантириш имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкинлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар ва йиғилиш иштирокчилари бир овоздан 2022 йилда ҳам юқорида 2021 йилда фаолият олиб борган тадбиркор билан 2022 йилда ҳам шартнома тузиш мақсадга мувофиқлигини айтиб утдитлар.

Юқоридагиларга асосан комиссия муҳокамисадан келиб чикиб,

### қарор қилади

1. Йиғилиш раисининг “Аутсорсинг” хизмати юзасидан берган маълумотлари ахборот учун қабул қилинсин
2. «**BEST HEALTH FOOD 2021**» МЧЖ билан 2021 йил 3 августдаги 4 сонли шартномага 2022 йил 1 чораги учун қушимча келишув тузилсин.
3. Жамият раҳбариятига белгиланган тартибда “Аутсорсинг” шартномаси тузишга розилик берилсин.
4. Бош ҳисобчи С.Солиевга «**BEST HEALTH FOOD 2021**» МЧЖ билан белгиланган тартибда 2021 йил 3 августдаги 4 сонли шартномага 2022 йил 1 чораги учун умумий қиймати 429 994 800 сўмлик шартномани расмийлаштириш, Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказиш ва асосланган ҳужжатларга асосан тўловларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин

Йиғилиш раиси

У.Мухитдинов

Аъзолар:

С.Шарифбоев

С.Солиев

М.Болтабоев

М.Ортиков



РШТЁИМ Наманган филиалининг 2022-йил Учун Беморларга 7 Кунлик таомлар менюси

0-0Д Столлар

| Душанба     |  | Пайшанба    |  | Якшанба     |  |
|-------------|--|-------------|--|-------------|--|
| №           | 0-0Д-Столлар   | №           | 0-0Д-Столлар   | №           | 0-0Д-Столлар   |
| Нонушта     | Сутгли суюқ каша,тухум,ширин чой                             | Нонушта     | Сутгли суюқ каша,тухум,ширин чой                             | Нонушта     | Сутгли суюқ каша,тухум,ширин чой                             |
| Обед        | Булъон<br>Суюқ картошка<br>пюре,қайнатилган гўшт бн (Блендр) | Обед        | Булъон<br>Суюқ картошка<br>пюре,қайнатилган гўшт бн (Блендр) | Обед        | Булъон<br>Суюқ картошка<br>пюре,қайнатилган гўшт бн (Блендр) |
| Кечки туш   | Сутгли банан (Блендр)  | Кечки туш   | Сутгли банан (Блендр)  | Кечки туш   | Сутгли банан (Блендр)  |
| Кечки овқат | Қайнатма шўрва<br>Бир кунли сумма                            | Кечки овқат | Қайнатма шўрва<br>Бир кунли сумма                            | Кечки овқат | Қайнатма шўрва<br>Бир кунли сумма                            |
|             | Жами 20% устама бн сумма                                     |             | Жами 20% устама бн сумма                                     |             | Жами 20% устама бн сумма                                     |
|             | 18600 сўм  |             | 18600 сўм  |             | 18600 сўм  |

Сешанба

Жума

| №           | 0-0Д-Столлар   | №           | 0-0Д-Столлар   | №           | 0-0Д-Столлар   |
|-------------|--|-------------|--|-------------|--|
